

АХБОРОТ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАНАЗЗУЛ

Примов Бахриддин Абдирахмонович

Тошкент давлат иқтисодий университетининг,

Ижтимоий гуманитар фанлар

кафедарси докторанти ф.ф.б.ф.д., (PhD)

primov.baxriddin@inbox.ru

АННОТАЦИЯ

Жамиятнинг барча соҳалари такомиллашиб бориши, сиёсий ва иқтисодий жараёнлар ривожини ҳамда ахборот алмашинувининг тезлашиши инсонларда ижтимоий онгининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Яъни, инсонлар тафаккури доимо янгилашишида ва ўзгаришида. Бу ҳолат жамият аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий тафаккур тарзига ҳам чамбарчас боғлиқ. Биз ахборот соҳасидаги моддий ва маънавий жараёнларнинг инсонлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётганлиги уларнинг тафаккур тарзини ривожлантиришида асосий воситага айланаётганлигини эътироф этмоқдамиз. Бунда ахборот асри таҳдидлари айрим дунё давлатлари ҳамда халқлари онгига салбий таъсир қилиб глобал таназзул, маънавий қарамлик, мутеликни келтириб чиқармоқда.

***Калит сўзлар:** ахборот, ахборот оқими, глобаллашув, ахборот асри, ахборот уруши, маънавий таҳдид, Евроцентризм, тафаккур, ижтимоий онг.*

ИНФОРМАЦИЯ: ПРОГРЕСС И ОТКЛОНЕНИЕ

АННОТАЦИЯ

Улучшение всех сфер жизни общества, развитие политических и экономических процессов и ускорение обмена информацией вызывают изменение общественного сознания людей. То есть человеческое мышление постоянно обновляется и изменяется. Эта ситуация также тесно связана с политическим и правовым мышлением членов общества. Мы осознаем, что материальные и духовные процессы в области информации играют важную роль в жизни людей и становятся ключевым инструментом в развитии их мышления. В то же время угрозы информационного века негативно сказываются на сознании некоторых стран и народов мира, приводя к глобальному упадку, духовной зависимости и немоте.

Ключевые слова: информация, информационный поток, глобализация, информационный век, информационная война, духовная угроза, евроцентризм, мышление, общественное сознание.

INFORMATION: PROGRESS AND DECREASE

ABSTRACT

The improvement of all spheres of society, the development of political and economic processes and the acceleration of the exchange of information are leading to a change in social consciousness in people. That is, human thinking is constantly being updated and changed. This situation is also closely related to the political and legal thinking of the members of the society. We recognize that material and spiritual processes in the field of information play an important role in people's lives and become a key tool in the development of their way of thinking. At the same time, the threats of the information age have a negative impact on the minds of some countries and peoples of the world, leading to global decline, spiritual dependence and muteness.

Key words: information, information flow, globalization, information age, information warfare, spiritual threat, Eurocentrism, thinking, social consciousness.

КИРИШ

Ер юзидаги барча ҳайвонот ва набобат олами ҳам ўзаро ахборотлар билан боғланган бўлиб бир умумий табиат занжирига айланган. Шу билан бирга кеча, бугун ва эртага ҳам ақлли таваккурга эга инсоният жамиятини ахборотсиз тасаввур этиб бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Бугунги кунда ахборот ва сўз эркинлиги глобал моҳият касб этиб, у инсон тафаккури, ёшлар маънавий-ахлоқий кадриятларига гоҳ ижобий, гоҳ салбий таъсир кўрсатадиган қудратли воситага айланди. Бу эса ўз навбатида бутун дунёнинг глобал ахборот тизими (ўргимчак тўри) билан қамраб олиш жараёнини тезлаштирмакда. Глобал ахборотлар замони, деб ном олган ҳозирги даврда бу ғоят муҳим ҳисобланмакда. Жумладан, ахборот технологиялари ва ахборот (интернет) тезкорлигини ошириш ва ривожлантириш ҳақида “Бугунги шароитда энг илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш устувор аҳамият касб этмакда. Бу соҳада қабул қилинган Миллий дастурга мувофиқ, телекоммуникация технологияларини, алоқа тизимлари ва

инфратузилмасини янада ривожлантиришимиз, инфор­мацион тизимлар комплекслари ва “Электрон ҳуку­мат” ахборот базасини шакллантиришимиз керак” [1, 15-б.] лигини тақозо этмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги замон илм-фан, техника ютуқлари эса ахборотга бўлган талабни ва эҳтиёжни янада оширди. Техник воситалар ва қурилмалар асосида ахборот алмашиш ўзининг тезкорлиги, арзонлиги ва вақт тежамкорлиги каби қулайликлари билан жуда катта тараққиётга эришди. Ахборот оқимининг тезлашуви халқлар ва бутун инсоният тақдирини бир-бирига боғлаб қўйди. ОАВ инсонларнинг ички, руҳий ва тафаккур оламини бойитувчи ёки таназзулга етаклавчи бош омил бўлиб улгурди. Бугун инсонлар ўз ҳаётий қизиқишларини айнан шу орқали олишмоқда.

Ахборот – (лотинча “infomatio” – тушунтирмақ, баён этмоқ ҳамда арабча “хабар ва маълумот” деган маъноларни билдиради) ҳозирги замон ОАВнинг асосий энг муҳим тушунчаридан бирига айланиб улгурди.

Ахборот оқими деб жонли ва жонсиз табиат объектлари ҳамда замонавий техник қурилмалар орқали тарқатилаётган хабар ва маълумотларга айтилади эмас [2, 9-б.].

Ахборот ўз мазмун-моҳиятига эга бўлиб ўзини-ўзи ташкиллаштиради ва бойитиб боради. Лекин, назариясида ахборот атамасини белгилаб олиш мумкин бўлган жиҳатлар очиб берилмаганлиги боис, ахборот тушунчасининг умумэътироф этилган таърифи ҳанузгача мавжуд эмас [3, 166-б.].

“XXI аср том маънода ахборот инқилоби асри деб ном олди. Бунинг асосини ахборот узатишдаги тезлик ва мўъжаз технологиялар ривожини ташкил қилмоқда. Албатта, оммавий ахборот воситаларининг кўп асрлик эволюцияси ва тараққиётидаги оламшумул кашфиётларга асосланади. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: телеграф ва ротацион типографик машинанинг яратилиши (1847 й.), телефон (1870 й.), радио (1895 й.), симсиз телеграф (1922 й.), телевидение (1930 й.), 1946 йил АҚШнинг Сент-Луис шаҳрида радиотелефон алоқа тизими ҳам, у ҳозирги мобил алоқанинг илк кўриниши бўлган дастлабки уяли алоқа ҳам АҚШда (1972 й.) пайдо бўлди. Айнан ана шу кашфиётлар кейинчалик ахборот ва ахборотлаштириш соҳасидаги оламшумул воқеа–1986 йил Интернетнинг пайдо бўлишига олиб келди” [4, 13-б.]. 1997 йилда эса бу, интернет тизимининг Ўзбекистонга кириб келишини таъминлади. Ўтган йиллар давомида катта ўзгаришлар ва

имкониятларга эга бўлди. Фқир алмашиш ва мулоқат қилишнинг қулай воситасига айлиб улгурди.

Ахборот оқими натижасида бугунги кунда глобаллашув жараёни ахборот глобал майдонида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Яъни, ахборотлаштириш глобаллашув жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечмоқда. “Бугунги дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Масалан, Интернет тизими орқали ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда. Аслида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараёнди” [5, 23-б.]. Айтиш мумкинки, жамиятнинг глобал ахборотлашуви илмий-техник, иқтисодий ва социал тараққиётнинг ўзагини ташкил этади. “Ахборот асри” деб ном олган XXI асрда ахборот стратегик ресурс сифатида табиий бойликлар, энергия манбалари қаторидан жой олди. Бошқача айтганда, ахборот тараққиётнинг бош омилига айланди. Таассуфки, ахборотни тараққиёт кушандасига айлантираётган кучлар ҳам йўқ эмас. Ахборотлаштириш жараёнининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда ахборот соҳасидаги ютуқлардан ёмон ниятларда фойдаланиш хавфи ҳам туғилмоқда. Яъни, ахборотдан жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг суверен тенглиги тамойилларига амал қилиш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ички ишларга аралашмаслик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш каби мақсадларга зид равишда фойдаланилмоқда. Масалан, ахборот технологиялари соҳасида ривожланган давлатларда бундай устуворликдан сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ахборот ва маданий тажовуз мақсадида фойдаланишга хавfli ҳавас туғилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар туфайли ахборот ҳарбий снарядга, оммавий ахборот воситалари эса тажовуз куралига айлантирилмоқда. Бу ҳодисани ифодаловчи “ахборот уруши” сўзларининг асосчиси физик-олим Томас Рон ҳисобланади, 1976 йилда у ахборотни ҳарбий кучларнинг энг заиф буғини деб таърифлаб, ушбу масалага 31 барча давлат миқёсидаги масъул кишиларнинг эътиборини қаратди. Шундан бери мазкур сўзларнинг аҳамияти кундан кунга кучайиб келмоқда [6, 71-72 б.]» Совуқ уруш даврида ахборотнинг “ҳарбий кучлар ва мудофаанинг энг заиф бўғини” эканидан азият чеккан олим бу “қурол”нинг залворини кучайтириш ҳақида қайғуради. Аммо жаноб Рон

йиллар ўтиб, кишилар онги жанг майдонига айлантирилишини, ахборотдан вайронкор қурол сифатида кенг фойдаланилишини тасаввур ҳам қилмаган бўлса керак [7, 3 январь 2017.].

Ахборот урушлари биз билган урушлардан қатор жиҳатлари билан ажралиб туради. Биринчидан, ахборот урушлари анча камхарж, қўшин сақлашни, қурол-яроғ сотиб олишни талаб қилмайди. АҚШнинг собиқ Президенти Ж.Картер: “Тарғиботга сарфланган 1 доллар қуролланишга сарфланган 10 доллардан самаралироқ” [8, 3 январь 2017], деб бекорга таъкидламаган. Иккинчидан, ахборот урушлари ҳеч қандай чегарани тан олмайди. Интернет, сунъий йўлдош орқали алоқа, оммавий ахборот воситалари ҳукмронлик қилаётган бугунги дунёда ахборотни божхона кўригидан ўтказишнинг иложи йўқ. Бироқ энг ташвишлиси, бу урушда рақибни жисмонан йўқ қилиш эмас, уни ўзига маънан бўйсундириш мақсад қилинади. Ахборот урушида инсон онги, миллат руҳияти нишонга олинади. Бу урушда бинолар зарар кўрмаса-да, одамлар ўлдирилмаса-да, моддий бойликларга шикаст етмаса-да, унинг мафкуравий, маънавий ва руҳий зарари беқиёсдир.

Ахборот соҳасидаги глобаллашув жаҳонда етакчилик қилиш учун курашда ҳам намоён бўляпти. Чунки ахборот технологияларининг ривожланганлик даражаси давлатнинг геосиёсий таъсирини белгиловчи омиллардан бирига айланмоқда. Яъни глобаллашув дунёни бирлаштира туриб, айти пайтда уни емиряпти, деган хавотирлар жиддий асосга эга. Бу жараёни шарҳлашда жаҳон ҳамжамияти интеграциялашувининг аҳамияти бўрттирилиб, дунёнинг ранг-баранглигини асраш муаммоси атайин хаспўшланмоқда.

Ҳозирги даврнинг муҳим хусусиятларидан бири – кишиларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун курашнинг кучайганидир. Қонли урушлар, ҳарбий юришлар, иқтисодий исканжага олиш ўрнига энди тобора кўпроқ маънавий-мафкуравий восита, қурол ва махсус технологиялар қўлланмоқда. Одамларнинг тафаккури, онги, дунёқарашини эгаллашга уринишлар кўпроқ маънавият майдонида амалга оширилмоқда. Бошқа ҳудуд ва халқларни ўзига қарам қилиш учун энди очикдан-очик кўриш ва сезиш қийин бўлган воситалар, хусусан, маънавий бузғунчилик усуллари қўлланмоқда.

Евроцентризм мафкурасининг даъвосига кўра, капитализм қудратли ишлаб чиқарувчи кучларни шакллантиргани боис Ғарб ўз тараққиётида бошқалардан ўзиб кетган. Тараққиётда Ғарбдан орқада қолган халқлар эса унга етиб олиши учун ўз мамлакатларида айнан Ғарб намунасидаги капитализмни

қарор топтириши зарур эмиш. Ваҳоланки, Ғарб капитализми мустамлакаларнинг ресурслари ҳисобидан шакллантирилгани ҳеч кимга сир эмас. Ғарб намунасидаги капитализмни қарор топтириш негизда айнан маданий гегемония ўрнатиш мақсади яширинганини ҳам унутмаслик даркор. Моддийга берилиш, нафсни қондириш, буюмпарастлик каби қадриятларнинг сингдирилиши иқтисодий жараёнларни жадаллаштиради, чунки барча нарса сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган товарга айлантирилади. Фикрлар ва буюмларнинг, инсон танаси ва руҳиятининг, табиат ва маданиятнинг товарга айлантирилиши – замонавий капитализмнинг асосий хусусиятига айланмоқда. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, жамият ҳаётининг барча соҳаларида савдо-сотик муносабатлари устувор бўлмоқда, “емак ва томошалар” шиори остида инсонларда истеъмолчилик руҳияти авж олдириляпти, “инсоннинг ҳамёни қаерда бўлса, унинг қалби ҳам ўша ерда” деган ҳалокатли ғоя сингдирилмоқда. Евроцентризмнинг навбатдаги уйдирмаларидан бири технологик афсона сифатида танилган. Унга кўра, айнан Ғарбда яратилган маданият, фалсафа, ҳуқуқ, фан ва технологиялар дунёда устуворлик қилмоқда ва инсоният тараққиётига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда. Демак, бошқа халқлар томонидан илғор Ғарб маданиятининг ўзлаштирилиши уларнинг равнақига туртки бўлади. Тан олиш керак, маданият ўзига жалб этадиган жозибали куч саналади. Кишиларда Ғарб маданиятига, Америка маданиятига тақлид қилишга интилишни ҳам тан олмай иложимиз йўқ. Бу ҳолатни америкалик олим З.Бжезинский қуйидагича таърифлайди: “Маданий устунлик Америка глобал куч-қудратининг муҳим жиҳати саналади. Айримлар ўзининг эстетик қадриятлари ҳақида нималарни ўйламасин, Америка оммавий маданияти, айниқса, жаҳон ёшларини оҳанрабо каби ўзига тортади. Унинг жозибадорлиги, эҳтимол, шу маданият орқали тарғиб қилинаётган ҳаётни севиш фалсафаси, ҳаёт сифати билан боғлиқдир, лекин Америка маданиятининг жозибадорлиги шак-шубҳасиздир. Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жаҳон бозорининг қарийб тўртдан уч қисмини эгаллаган. Американинг оммабоп муסיқаси ҳам устувор мавқега эга, шунингдек, америкаликларнинг қизиқишлари, овқатланишдаги одатлари ва ҳаттоки кийинишларига бутун дунёда тақлид қиладилар. Интернет – инглиз тилида ва компьютердаги сўзларнинг аксарият қисми Америкадан бўлиб, глобал мулоқотнинг мазмунига кучли таъсир ўтказди. Ва ниҳоят, Америка замонавий таълим олишга интилаётганлар учун ўзига хос Маккага айланган...”[9, 38-б.].

3. Бжезинский томонидан жозибадор дея таърифланган Ғарб маданиятида қандай қадриятлар тарғиб қилинмоқда? Статистик маълумотларга кўра, ўша кўкларга кўтариб мақталаётган маданият эгаси бўлган ёш америкалик 18 ёшга келиб компьютер ўйинларидаги 40 мингга яқин қотилликнинг гувоҳи ёки “муаллифи” бўлиши аниқланган. Бундан ташқари, шундай навқирон ёшда у кинофильмлар орқали 200 мингга яқин (!) зўравонлик ҳаракатларининг шоҳиди бўлар экан [10, 40-б.]. Бу жиҳатдан мутахассислар Ғарб маданиятига “ўлим ғоясини тарқатувчи маданият” сифатини бермоқда. Бот-бот оммавий ахборот воситаларида шов-шувга сабаб бўлаётган ҳодисалар–мактаб ўқувчисининг ўз тенгдошлари ёки ўқитувчисига қарата ўқ отиши, қурол билан ўқталиши ана шу маданият таъсирида юз бераётган ҳодисалар эмасми?

Истеъмолчилик руҳиятини авж олдириш, “роҳатланиш саноати”ни ривожлантириш, “ўлим маданияти”ни кенг ёйиш оқибатида Ғарбда маънавий-ахлоқий таназзул кузатилмоқда. Қадриятлар тизими оёғи осмондан келиб, илгари фазилат саналган нарсалар айбга, авваллари гуноҳ сифатида қораланган ҳаракатлар фазилатга айлантириляпти. Ғарб мамлакатларида жинойтчилик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, бесоқолбозлик каби иллатларнинг авж олиши, оилаларнинг бузилиши, туғилишнинг камайиши бунинг яққол далилидир. Маълумотларга кўра, АҚШда 12 ёшгача бўлган қизлардан 25 фоизининг номусига тажовуз қилинган. Америка эркакларининг 25 фоизга яқини бесоқолбоз экани аниқланган. Ҳар йили 200 мингга яқин бесоқолбоз Лос-Анжелес кўчаларида намойиш ўтказади [11, 58-б.]. Бу ҳолат маънавият ва ахлоқнинг таназзули сифатида эмас, инсон эркинликларининг тантанаси сифатида талқин қилинади.

1. Яна бир манбага кўра, Европада эр-хотин ва фарзанднинг оилавий мажбуриятлардан “халос этилиши” оқибатида оила институти барҳам топа бошлади, натижада 17 та мамлакатда ўлим кўрсаткичлари туғилиш суръатидан ортиб кетди. Бельгия, Болгария, Венгрия, Германия, Дания, Испания, Италия, Латвия, Литва, Португалия, Россия, Руминия, Словакия, Словения, Хорватия, Чехия ва Эстония каби давлатларда беланчакдан кўра тобутга бўлган эҳтиёж тобора ўсиб бормоқда [12, 100, 118, 152, 158, 164, 182, 202, 224, 240, 258, 268, 376-б.]. Дунёнинг ривожланган айрим мамлакатларида жумладан, АҚШ ва Ғарбий Европада бир жинс вакилларига никоҳ орқали оила қуришга ва фарзанд асраб олишга рухсат берилганлиги, ота-онанинг фарзанд олдида нейтраллиги инсоний ва диний қадриятларнинг нечоғлиқ оёқ ости бўлаётганини кузатишимиз мумкин. Бундай мисоллар Ғарбга тақлидчиликни тарақийтнинг

бирдан-бир шарти сифатида тақдим этаётган афсоналарнинг мағзи пучлигини кўрсатади. Боз устига, бугунги воқелик Фарбда жамият ич-ичидан емирилаётгани, маънавий-ахлоқ инқирозга юз тутаетгани, тараққиёт орқага кетаетгани ҳақида гувоҳлик бермоқда.

Таассуфки, маданий гегемония ўрнатиш ўзга ҳудудларни ўз таъсир доирасига олиш, инсон онгини бошқаришнинг кенг тарқалган технологиясига айланыпти. Онгни бошқариш (манипуляция) атамасига олимлар қуйидагича таъриф берадилар: “Манипуляция - инсонларга таъсир кўрсатиш ҳаракати бўлиб, уларни моҳирона бошқариш, хусусан, уларга объект сифатида қараб, писандасиз муносабатда бўлиш, яширин бошқарув ёки ишлов беришдир” [13, 15-б.].

Онгни бошқариш муаммосига бағишланган илк асарлардан бири немис олими Герберт Франкенинг 1964 йилда чоп этилган “Манипуляция қилинаётган инсон” китобидир. Бу асарида олим мазкур ҳодисага қуйидагича таъриф беради: “Кўпинча онгни бошқариш деганда яширин ҳолда амалга ошириладиган руҳий таъсирни тушуниш керак ва демак, бу таъсир кимга йўналтирилган бўлса, ўша шахсга зиён етказишга хизмат қилади” [14, 16-б.]. **Манипуляция** – зўравонлик эмас, у инсонда бирор нарсага ҳавас туғдирувчи васваса, уни йўлдан оздириш усулидир.

Глобаллашув жараёни савдо муносабатлари доирасидан чиқиб, ахборот тизимини ҳам қамраб олди. Эндиликда бу жараён маънавият, руҳият, кадрият соҳаларига ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда. «Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас» [15, 112-б.]. Бизнинг вазифамиз – Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга, халқнинг маънавияти ва жамият руҳиятига глобаллашув жараёнларининг реал таъсири, тазйиқи ва таҳдидини ўрганиш, ҳисобга олиш ҳамда ўз сиёсатимизни шу йўналишда таҳрир қилишдир.

Бугун ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда.

Сир эмас, Интернетда бизнинг миллий кадриятларимизга тўғри келмайдиган маълумотлар, масалан, беҳаё тасвирлар ҳам бор. Таажжубки,

ҳозирги кунда дунё бозорида яланғоч аёлнинг танаси кўрсатилмаса, бу реклама реклама ҳисобига ўтмайди.

Интернет инсониятга ахборот алмашиш суръатини ниҳоятда тезлаштириб юборган восита сифатида қанчалик наф берган бўлса, таассуфки, ундан келадиган зиён ҳам кам эмас. Ҳозирги ахборотлашган жамият инсоният ҳаётини ё таракқиётга ё таназзулга етаклайди. Лекин чеклов жорий этиш орқали курашиш ҳам мутлақо самарасиз йўлдир.

Хуллас, XX аср ижтимоий онгни бошқариш борасида бурилиш асри бўлди. Миллионлаб кишиларни бир вақтнинг ўзида жадал тарғибот билан қамраб олиш имконини берадиган янги технологик воситалар пайдо бўлди. Илгари тасаввур этиб бўлмайдиган кўламда сиёсий томошалар қўйишга қодир режиссёр-ташкilotлар бўй кўрсатди.

Баъзан беозордек кўринган реклама ҳам маданий ўзакни кўпоришнинг кучли воситасига айланаётганини эътиборга оладиган бўлсак, “ғояга қарши ғоя билан курашиш зарурлиги” ҳақидаги фикрнинг аҳамиятини янада чуқурроқ англаймиз. Шундай экан, ўзлимиздан маҳрум қилишга интилишларнинг пайини қирқишимиз, онгимизни бошқаришга уринишларга бўй бермаслигимиз керак.

ХУЛОСА

Кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмалари вазифаларини босқичма-босқич жамоат ташкilotлари зиммасига ўтказиш орқали демократик ислохотларни чуқурлаштиришда ОАВ имкониятларидан самарали фойдаланиш бугуни кунда юртимизда долзаб вазифага айланди.

Айни чоғда бугунги глобаллашув асрида ахборотга бўлган талаб тобора кучайиб бораётганини эътиборга олиш зарур. Шунинг учун ҳам биз жамиятимиздаги ёшларни ҳар қачонгидан ҳам ахборотлари олишда ҳушёр ва сергак тортган ҳолда сарасини – саракка, пучагини – пучакка ажрата олиш кўникмаларини ривожлантиришимиз, миллийлигимизга хос маънавий ва мафкуравий иммунитетни шаллантиришимиз, ахборот хавфига қарши тура оладиган қилиб тарбиялашимиз лозим. Шундай экан, холис ва ҳаққоний ахборотни тарқатиш, жамоатчиликнинг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ҳисобланмоқда.

REFERENCES

1. Азроянц Э. Глобализация: катастрофа или путь к развитию? -Москва, Новый век, 2002. 40-бет.
2. Примов Б.А. “Ахборот окими жадаллашувининг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири” монография-Тошкент: “Lesson Press”МЧЖ нашриёти, 2022, 9-бет.
3. Азроянц Э. Глобализация: катастрофа или путь к развитию? -Москва, Новый век, 2002. 58-бет
4. Бахриддин Умаров, Муяссар Ахмедова “ Ахборот тизимларида ахборий-психологик хавфсизлик ” Ижтимоий-гуманитар олий таълим йуналиши талабалари учун ўқув кўлланма. Тошкент Chashma Print 2013. 71-72 бет
5. Бжезинский З. Великая шахматная доска. Господство Америки и геостратегические императивы. -Москва, 1998. 38-бет.
6. ВинерН. Кибернетика. М.1968, -С 166.
7. Кара-Мурза С. Манипуляция сознанием. М., “Алгоритм”, 2006, 15-бет.
8. Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием. – М., “Алгоритм”, 2006., 16-бет.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. 112-бет
10. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – 1-жилт – Т.: Ўзбекистон, 2017. 15-бет.
11. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001, 23-бет.
12. Чернов А.А. Становление глобального информационного общества: проблемы и перспективы. –Москва: Издательско-торговая корпорация Дашков и К», 2003. с 13.
13. United Nations Secretariat, Department of Economic and Social Affairs, Population Division, *World Population Prospects: The 1998 Revision. Vol. 1: Comprehensive Tables*, November 24, 1998, pp. 100, 118, 152, 158, 164, 182, 202, 224, 240, 258, 268, 376.
14. hazratnavoi.uz Исмаатжон Хамраев “Ғоявий таҳдидлар ва улардан ҳимояланиш зарурати” 3 январь 2017